

Юсуф Хос Ҳожиб меросида

инсон муаммоси

ЖДПИ Ижтимоий фанлар

Кафедраси Ф.Ф. Номзоди

М.Саидов

Юсуф Хос Ҳожиб – XI асрнинг кўзга кўринган мутафаккирларидан бирidir. У 1019 (хижрий 410) йили Болосоғун (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яқинида) туғилган. Қорахонийлар ҳукмронлик қилган даврда яшаб ижод қилган. У ўз даврининг йирик мутафаккири давлат арбоби ва маданият ҳомийси эди.

Улуғ мутафаккир ўзининг бирдан – бир достони “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўлловчи билим”) асари билан машҳур бўлиб, у бизгача тўла етиб келмаган. Бадиий ва фалсафий характердаги мазкур асар туркий тилда ёзилган, Шарқ ўрта аср дунёвий адабиётининг йирик ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Асар муаллифи ўз даврининг етук билимдони, адабиёт, тарих, фалсафа, тиббиёт, ахлоқшунослик илмларини чуқур эгаллаган, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби буюк алломаларнинг асарларидан бохабар олим эди. Унинг “Қутадғу билиг” достонидаги тўрт қаҳрамон: Кунтуғди (чиққан кун) – адолат, Ойтўлди (тўлган ой) – бахт ва давлат, Ўзғурмиш (уйғонган) – қаноат, Ўгдулмиш (ақлга тўлган) – ақл тимсоли, идеал орзу сифатида гавдаланади. Юсуф Хос Ҳожиб мана шу асар қаҳрамонлари ўртасида бўлиб ўтган савол – жавоблар орқали ўзи яшаган жамиятдаги барча табақа – тоифа кишиларнинг ахлоқ – одоби, хатти – ҳаракатлари, муомала – муносабатлари ҳақида ибратли

ҳикматлар таъсирчан тасвирлар орқали ўз фикрларини батафсил баён қилади.¹

“Қутадғу билиг” да инсон муаммоси марказий ўринни эгаллайди. У объектив дунёни, жумладан, одамларни худо яратган деб билса – да, лекин инсон тақдирини, инсон ва инсоний моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий вазифаси шоир томонидан тўғри йўналишларда таҳлил этилади. Лекин бу йўналишларнинг ҳаммаси бирлашадиган бир муҳим нуқта борки, у ҳам бўлса, инсоннинг инсонлар учун яшаши, инсоннинг инсоният учун хизмат қилишидир:

Кишилар орасида (ҳақиқий) киши шу бўладики,
Ундан (бошқа) кишилар манфаат топади - дейди шоир .

Тирикликнинг, ҳаётида яшашнинг бош маъноси бу бошқаларга наф етказишда, жамиятга фойда келтиришдадир:

Тирик (жон) одамларга фойда келтириши керак,
(Токи) отини тирик тутсинлар, кишини улуғласинлар.²

Шу улуғ ният билан яшаган шоир айрим кимсалар, яъни эл – юрт қизиқишларидан ташқарида ўралашиб, ўзининг том мақсадлари орасида кўмилиб қолган худбин шахсларни тириклар қаторига кўшмайди, уларни тўғридан – тўғри “ўлик” деб атайди:

Тирик одам боласи фойдаси тегадиган бўлиши керак,
Фойдаси тегмайдиган одам тўғилса, ўлган (бўлиши) керак.³

Асарда оддий халқ, меҳнаткаш инсонлар алоҳида эҳтиром билан тасвирланади. Айниқса, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар ҳақидаги боблар илиқ меҳр билан йўғрилгандир.

Таригчи (деҳқонлар) ҳақида фикр юритар экан, шоир уларни жамият учун “мутлақо керакли кишилар турар”, деб баҳолайди. Чунки:

¹ Натан Маллаев. Ўзбек адабиёт тарихи. Т. 1976,146-б.

Воҳиджон Тўхлиев. Ўзбек адабиёти. Тошкент “Ўқитувчи”, 2000 й. 125-б

² Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” 1972-йил “ФАН” 541-бет.

³ Ўша асар – Б 548.

Ҳамма қимирлаган (жон) га булардан манфаат бўларди,
Ҳаммасига ейим (ва) ичимдан ҳаловат етади.

Юсуф Хос Ҳожиб деҳқонларнинг иисоний фазилатларини тасвирлар экан, уларнинг “қўли ҳам, кўнгли ҳам кенг” лигини алоҳида уқтириб ўтади.⁴

Чорвадор ҳам “Осиғлар кишилар бўлур”, дейди шоир. Чорвадорларга хос бўлган хислатлар бутунлик, чинлик, бошқаларга ўз молларини етказишлиқдир. Жамият улар келтирган ейишли, минишли отлар ҳамда юк ортадиган ҳайвонлардан, шунингдек, қимиз, сут – ёғ, сузма, қурут, юнг, наMAT, кигиз ва бошқа нарсалар учун миннатдор, чунки бу уларда бўлади.

Шунингдек, темирчи, эшикчи, кирмачи (ўймакор), сирчи (буёқчи), безакчи (рассом), наққош, ўқ – ёйчилар “оламдаги ҳайратли ишларнинг эгаларидир”, деб тарифланади.⁵

Асардаги турли – туман касб – ҳунар эгаларини шунчаки санаб ўтиш эмас, балки улардан бўлиши керак бўлган хислат – фазилатлар баёнини кўрсатиш билан бирга, айти пайтда уларни шоирнинг маъсул касб – ҳунар эгаларига бўлган ҳурMAT эътиборинг этирофи ҳам деб қараш лозим.

Ҳар қандай касб – ҳунар эгаси учун лозим бўлган фазилатларнинг энг муҳими билимдир.

Шоир билим ҳақида мароқ билан тўлқинланиб сўзлайди. Унга алоҳида боб ҳам бағишлайди. “Инсон билим билан кўкка ҳам йўл топади”, деб башорат қилади шоир.

⁴ Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” 1972-йил “ФАН” 641-бет.

⁵ Ўша асар – Б 665.

Асарда ақл, уқув – идрокнинг киши ҳаётидаги аҳамиятига катта эътибор берилади. Киши шахсидаги ижобий сифатларнинг шаклланиши ақл билан қўшиб тушунтирилади. Чунончи:

“Уқув – идрок билан киши юксалади, билим улғаяди, бу иккиси эр кадр – қиммат қозоноди”⁶

Мутафаккир уқув – идрокнинг шахс ҳаётидаги, унинг оламни тушунтиришдаги роли ҳақида шундай дейди:

Киши зулмат босган қоронғу уй кабидир.

Уқув – идрок эса бир машғалдирки, уни ёритади.⁷

Юсуф Хос Ҳожиб одамдаги уқув – идрок ва ақлнинг зохир бўлишини моддий жараёнлар билан боғлаб тушунтиради: “Уқувнинг ўрни бош миядир”. Лекин адиб асарнинг бошқа бир фаслда бу материалистик ғоядан чекинади. Уқувни худо томонидан берилган неъмат деб баҳолайди.⁸

Юсуф Хос Ҳожиб одамларни хулқ – атворига кўра икки тоифага ажратади, яъни, жамиятда яхши ва ёмон хулқ – атворли одамлар бор. Салбий ёки ижобий хулқ – атвор баъзи одамларда туғма бўлади, бошқаларда эса муҳит таъсирида шаклланади. Агар одам табиатан ёмон хулқ – атвор билан туғилган бўлса, уни тарбиялаб бўлмайди, “унга даво йўқ, у жаҳонга бир бало ва халқ учун бир офат”⁹.

Адибнинг айтишича, “насл - насабли” (асли бутун) кишилар яхши хулқ – атворли бўладилар¹⁰, “насл – насабсиз” (авом) кишилар эса хулқ - атворнинг оддий қоидаларини ҳам билмайдилар. Улар фақат ёмон ишга мойилдирлар.¹¹

⁶ Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” 1972-йил “ФАН” 103-бет.

⁷ Ўша асар – Б 315-бет.

⁸ Ўша асар – Б 314-бет.

⁹ Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” 1972-йил “ФАН” 185-Б.

¹⁰ Ўша асар 365-бет

¹¹ Ўша асар 647-бет.

Бу билан у ўзининг ҳукмрон синф вакили эканлигини кўрсатиб турибди. Чунки Юсуф Хос Ҳожиб у даврда мана шу ижтимоий муносабатлар аҳамиятини тушуниб етмаган эди. Бу унинг дунёқарашидаги муайян чекланганлик билан изоҳланаид.

Улуғ мутафаккирнинг инсон шахси ривожига билим ва ҳунар эгаларининг аҳамияти ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, киши фақат билимларни эгаллаш орқалига маънавий камолотга эришувчи, ахлоқли, одобли, бахтли бўлиши мумкин. Дунёдаги барча мушкулликлар фақат билим билан ечилади. Шунинг учун киши ўқиб ўрганишдан толмаслиги керак.

“Билимни ишга солгин, тагин кунинг ўрган,
Тагин ўргана бер, бугин ғофил бўлма”¹².

Асарда таъкидланишича, жамиятдаги нолайик, номуносиб ишларнинг келиб чиқишига одамларнинг саводсизлиги, билимсизлиги сабабчидир. Шу сабабли ўғил – қизларнинг ақлли бўлиб ўсиши учун уларга ёшлигиданоқ билим бериш зарур.

Юсуф Хос Ҳожиб асарда болаларнинг ахлоқли, одобли ва билимли бўлиб вояга етишишида оилавий муҳитнинг, ота – оналарнинг таъсири катта эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, оилада фарзанд туғилиши қувончли воқеа. Лекин фарзанд туфайли ота – она зиммасига катта масъулият юкланади. Мабодо, оилада фарзандларнинг хулқ – атори ёмон бўлса, “бу ярамас ишни ота қилган бўлади”¹³. Оилада болаларни ортиқчи эркалатиш зарарли : “Кимники ўғил – қизи эрка бўлса, унга шу кишининг ўзи мунгли бўлиб йиғлайди”¹⁴. Болада

¹² Ўша асар 697-бет.

¹³ Ўша асар 233-бет.

¹⁴ Ўша асар 233-бет.

яхши хулқ – атворни тарбияламоқчи бўлган ота – она уни “Доим назоратда тутиши керак”¹⁵.

Юсуф Хос Ҳожиб асарида оила қуриш бобида ҳам алоҳида тўхталган. Унинг муҳаббат ҳақидаги фикрлари сўфизм таълимотига хос илоҳий муҳаббат эмас, балки реал ҳаёт билан боғланган. Унинг айтишича, ёшлар турмуш қуришидан олдин бўлажак қайлиқларининг ёши, ахлоқи сифатларини яхши билиб олишлар керак. Бўлажак қайлиқ, ортиқча зебо, бадавлат, зодагон оила фарзанди бўлиши шарт эмас. Гўзал аёллар ҳамма вақт ҳам вафодор бўлавермайдилар. Шу боисдан:

Юзи чиройлини истама, хулқи яхшисини иста,
Феъл – атвори яхши сенинг юзингни ёритади.

Хулоса қилиб айтганда, “Қутадғу билиг” асари XI асрда ва ундан кейинги даврларда Ўрта Осиё халқлари фани ва маданиятининг ривожланишига баракали таъсир кўрсатган. Хусусан, мутафаккир ўз асарида инсон муаммосини марказий ўрнига қўйиш орқали ёшларни билим ва ҳунар, нутқ маданиятини эгаллашга даъват этиши, ўғил – қизлар онгининг ривожланишида ота – оналар ролини юқори баҳолаш, ёшларни тўғри, ростгўй, одил, камтар ва сахий бўлишга ундаши умуминсоний қимматга эгадир. Шунинг учун улуғ мутфаккирнинг илғор фикрлари ҳозирги кунларимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ёшларни юксак инсоний сифатлар руҳида тарбиялашда учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

¹⁵ Ўша асар 233-бет.